

**Ўзбекистон Республикасида радиочастота
спектридан фойдаланганлик учун
ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР ВМ 23.09.2002 й. 328-сон Қарори,
ЎзР ВМ 17.06.2009 й. 168-сон Қарори

- I. Умумий қоидалар
- II. Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўловни ҳисоблаш
- III. Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом "Радиочастота спектри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва алоқа хизматлари кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситаларга эга бўлган ҳамда улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг асосий принциплари ва шартларини белгилайди.

2. Радиочастота ресурсидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш радиочастота спектридан фойдаланишга ҳар бир рухсатнома бўйича алоҳида белгиланади.

3. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинган радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин эмас.

4. Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг қарорлари асосида бериладиган радиочастоталар бириктирилган ҳолда радиоэлектрон воситалардан ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Агентлик)нинг рухсатномалари радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов ундиришга асос ҳисобланади. (ЎзР ВМ 23.09.2002 й. 328-сон Қарори таҳриридаги банд)

5. Электромагнит мувофиқлик экспертизаси, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш бўйича хизматларга тарифлар эркин ҳисобланади ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилган декларацияси билан биргаликда Электромагнит мувофиқлик маркази томонидан тасдиқланади.

Мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги мақсадларида фойдаланиладиган радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мувофиқлиги бўйича экспертиза ўтказиш радиочастота органлари томонидан текин амалга оширилади.

II. РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ТЎЛОВНИ ҲИСОБЛАШ

6. Тўлов миқдори фойдаланилаётган частоталар полосасининг кенглигига, радиоэлектрон воситалар томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудудга, шунингдек фойдаланилаётган частоталар полосаси қимматига боғлиқ бўлади.

7. Халқаро Электр Алоқаси Иттифоқининг Радио алоқа шўъбасининг (ХЭАИ-Р SM.2012) тавсиясига мувофиқ йиллик тўловлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$F = V \times G \times (E \times T)$, бунда:

F фойдаланувчи тўлаши керак бўлган тўлов;

V частота полосаси кенглиги, МГц ҳисобида;

G хизмат кўрсатиладиган географик зонани ҳисобга олувчи коэффициент;

E фойдаланиладиган радиочастота спектрининг тижорат қимматини ҳисобга олувчи коэффициент;

T Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори.

Хизмат кўрсатиладиган географик зона учун республиканинг мавжуд маъмурий-ҳудудий бўлиниши қабул қилинади, бунда битта минтақа (Ўорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар) учун $G=1$ қабул қилинади. Тошкент шаҳри учун $=3$ коэффициентини қўлланилади.

Ажратилган радиочастота спектридан бир нечта вилоятлар ҳудудида ёки бутун республикада фойдаланилган тақдирда G коэффициентини минтақаларнинг тегишли сонига биноан тегишли равишда ошади. Ажратилган радиочастота спектридан бир вилоятнинг тумани ёки шаҳари ҳудудида фойдаланилган тақдирда пасайтирувчи коэффициент $=0,1$ қўлланилади.

РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИНИНГ ТИЖОРАТ ҚИММАТИ КОЭФФИЦИЕНТИ

Т/р	Алоқа тури	E коэффициенти
1	Кўчма радиотелефон алоқаси (транкинг алоқа)	30
2	Умумий фойдаланиладиган уяли радиотелефон алоқаси	85
3	Кўчма радио алоқа	15
4	Шахсий радио чакирув (пейжинг)	25
5	Тармоқнинг ОВЧ ЧМ каналларини тифизлаштирган ҳолдаги шахсий радио чакирув (пейжинг)	65
6	Йўлдош алоқа	55
7	MMDS, NMDS ва MVLS туридаги тизимлардан фойдаланган ҳолда телевизион дастурларни тарқатиш	50
8	Телевидение ва радиоэшиттириш нодавлат дастурларини тарқатиш, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларининг тижорат трансляцияси	40
9	Маълумотларни узатиш (симсиз фойдаланиш)	70

8. Тўловни ҳисоблашда Агентликнинг рухсатномаларида кўрсатилган частоталар полосаси кенлигидан ва худуддан ҳамда энг кам ойлик иш ҳақининг амалдаги даражасидан фойдаланилади.

III. РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИДАН ФЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ

9. Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов фойдаланувчи томонидан Агентликка бериладиган ҳисоб-китоблар асосида йил чораги биринчи ойининг 15-кунидан кечикмай ҳар чоракда тўланади.

Мазкур тўлов қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи Давлат бюджетига йўналтирилади;

50 фоизи Радиочастота спектридан фойдаланишни бошқариш ва мониторинги агентлиги харажатларини қоплашга йўналтирилади.

Агентлик тегишли суммани улар тушган кундан бошлаб 3 кундан кечикмай Давлат бюджетига ўтказди.

[ЎзР ВМ 17.06.2009 й. 168-сон Қарорига мувофиқ 9 банд олтинчи хат боши ўз кучини йўқотган](#)

Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун олинган ва радиочастота спектридан фойданишни давлат томонидан бошқариш ҳамда мониторинг олиб бориш харажатларини қоплашга йўналтирилган маблағлар даромад ҳисобланмайди ва тегишли равишда уларга солиқ солинмайди. (ЎзР ВМ 23.09.2002 й. 328-сон Қарори тахриридаги хат боши)

10. Радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқи радиочастота спектридан фойдаланганлик учун белгиланган тўлов тўланмаган тақдирда тўхтатиб қўйилиши ёки чекланиши мумкин.